

**Мирсадиков Миродил Абдуллаевич
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси доценти
Усманов Азизбек Албек ўғли
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси тингловчиси**

СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ЕВРОПА ТАЖРИБАСИННИГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация: Мақолада суғурта ташкилотларининг тўлов қобилиятини баҳолаш бўйича халқаро стандартларнинг ривожланиши, Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган Solvency I ва Solvency II стандартларининг ривожланиш тарихи, мазкур икки стандартнинг фарқли томонлари, афзалликлари ва унинг рискларни баҳолашдаги иқтисодий аҳамиятини ёритишга бағишлиланган. Шунингдек Ўзбекистон суғурта бозорида Solvency II халқаро стандартини жорий қилишга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта ташкилоти, суғурта бозори, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик, Solvency I, Solvency II, маржа, минимал капитал, актив, ўз маблағлари манбалари.

Кириш.

Суғурта бозори молия тизимининг муҳим қисми бўлиб, молиявий барқарорликка хизмат қиласди. Шунингдек, суғурта соҳаси ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш ва иқтисодиётга салмоқли ҳажмдаги инвестицияларни киритиш орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига кўмак беради.

Таъкидлаш жоизки, суғурта муносабатлари узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ҳозирги кунга келиб иқтисодиётда салмоқли аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг ривожланиши билан табиийки, турли рискларнинг ҳажми ҳам ортиб боради. Юзага келган рискларни суғурталаш учун эса суғурта ташкилотларининг кучли тўлов қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти бу - суғурталовчиларнинг ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилияти ҳисобланади. Тўлов қобилиятининг асоси бўлиб, шакллантирилган устав капитали, етарли суғурта заҳиралари, шунингдек қайта суғурта қилиш тизимининг мавжудлиги ҳисобланади[1].

Суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, олинган жавобгарликка мос суғурта заҳираларини шакллантириш, улардан унумли фойдаланиш суғурта компаниялари томонидан доимий назоратни талаб этади.

Мамлакатимизда сұғурта компаниялари фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш борасида алоҳида эътибор берилмоқда. Том маънода 2019 йил Ўзбекистон сұғурта бозори учун ривожланишнинг янги босқичи дейишимиз мумкин. Соҳани янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4412-сонли Қарорида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, сұғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, сұғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг сұғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди[2].

Шу маънода мамлакатимиздаги сұғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини сақлашга, уларнинг фаолиятида юзага келадиган хатарларни етарли даражада капитал ва захиралар билан қоплашга, хатарларни бошқариш тизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Таваккалчиликка асосланган фаолиятни бошқаришда халқаро тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали биз соҳани ривожлантиришдаги мухим йўналишларни аниқлаш, таваккалчиликка асосланган ёндашувни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар олдини олишимиз мумкин.

Тўлов қобилиятини тартибга солишининг Евropa Иттифоқи мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган Solvency I ва Solvency II директивалари талаблари ҳам жаҳонда тан олинган халқаро ёндашувлардан бири саналади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Адабиётлар ва амалий тадқиқотлар таҳлилидан кўринадики илмий ишбилармон доиралар ҳамда молиявий институтларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш, молиявий субектларнинг барқарорлигини ошириш ва миллий сұғурта бозорларида тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш масалаларига қизиқиши юқори бўлган.

Ҳозирги кунда етакчи олимларнинг назарий изланишларида сұғурта ташкилотларининг тўлов қобилияти кўрсаткичини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Тўлов қобилияти кўрсаткичини кўпинча - молиявий барқарорлик, ликвидлик, кредитга лаёқатлилик каби кўрсаткичлар билан алмаштириш ҳолатлари кузатилади.

Хусусан, Carmichael ва Pomerleano (2002) [3], Das ва б. (2003) [4] сұғурта компаниялари қайта сұғурта қилиш фаолияти орқали бир неча томонларга таваккалчилик ўтказиб молиявий барқарорликни ошириш мумкинлигини ўз илмий ишларida тадқиқ қилишган.

Суғурта ташкилотларининг молиявий барқоролигини баҳолаш борасида тан олинган халқаро стандартлар саноқли. Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган стандартлар нафақат Европада балки бутун дунёда тартибга солишининг халқаро стандартини ривожлантириш йўналишларини белгилаб берди.

Европа Иттифоқида тўлов қобилияти тушунчасининг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид маълумотларни Arne Sandström (2005) [5], Улыбина Л.К. (2013) [6], Барабанова В.В. (2019) [7], Антюшина В.В.(2019) [8] нинг тадқиқот ишларида кўришимиз мумкин.

Яранцева Е. (2013) га кўра [9] Европа Иттифоқида "суғурта компаниясининг тўлов қобилияти" тушунчаси нафақат компаниянинг банкротлигини олдини олиш учун зарур миқдордаги бўш маблағларни аниқлаш, балки суғурта фаолиятидаги барча потенциал хавфларни баҳолашга кенг қамровли ёндашувни ҳам ўз ичига олади.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолада хорижий ва маҳаллий олимларнинг докторлик ҳамда номзодлик диссертациялари, илмий монографиялари, ўқув қўлланмалари, мақолалари ва бошқа маълумот манбаларига таянган ҳолда ёзилди.

Йиғилган маълумотлар (миқдорий ва сифат маълумотлари)ни таҳлил қилиш, қиёслаш, яъни йиллар давомида кўрсаткичларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш, таркибий таҳлилни амалга ошириш тадқиқотлар методологиясининг сўровнома усулларидан ва бошқа зарурий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Европа Иттифоқи мамлакатларида тўлов қобилиятини тартибга солиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар кўп жиҳатдан ҳаётни суғурталовчи суғурта ташкилотларини назорат қилиш бўйича Нидерландиянинг ижро этувчи органи (Verzekeringskamer) раиси, профессор Б.Кампагне (B.Campagne)нинг илмий ишларига асосланган[10] деб қаралади.

Б.Кампагненинг биринчи асарларида 1926 йилдан 1945 йилгача бўлган 10 та Нидерландиянинг ҳаёт суғуртаси компаниялари бўйича ўтказилган эмпирик тадқиқотларининг натижалари келтирилган.

1948 йилда Европа мамлакатлари орасидаги интеграция жараёнларини ривожланиши фонида Европа Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳузурида Европа суғурта кўмитаси ташкил этилди ва ягона суғурта бозори йўналишидаги фаолиятни бошлаб юборди.

1957 йилда профессор Б.Кампагне суғурта компаниялари учун минимал тўлов қобилияти стандартлари маъruzасини тақдим этди, унда у тўлов қобилиятини баҳолаш учун турли хил хавф назарияларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлади.

Профессор Б.Кампагненинг асосий издошларидан бири Европа қўмитаси доирасида ҳаётни суғурталашдан ташқари суғурта билан шуғулланадиган суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борган профессор Бруно де Мори (Bruno de Mori) бўлиб, унинг тавсияларига кўра, заарлар коеффициенти нормал тақсимотга эга ва 99.7% ишонч даражаси билан $\pm 3\sigma$ оралиғида бўлади[12].

Турли мамлакатлар учун бир хил қўрсаткичларга асосланган йифма бозор таҳлили назорат органлари вакилларига натижаларни бозор улушкига мутаносиб равишда таққослаш имконини берди, натижада тўлов қобилияти маржаси қўйидаги чегараларни олди:

- Ҳисобланган ялпи мукофотларнинг 24%и;
- Содир бўлган заарларнинг 34%и;
- Заҳираларнинг 19%и.

Дастлаб, захира микдорини ўз ичига олган кўрсаткич турли мамлакатларда заҳираларни ҳисоблаш бир хил тарзда амалга оширилади деган фараз асосида кўриб чиқилди.

50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида жаҳон иқтисодий муносабатларининг ривожланиши, асосий халқаро молия институтларининг фаол интеграциялашуви ва фаоллашуви натижасида Европа Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини янги шароитларга мослаштириш, унинг ваколатларини кенгайтириш ва тубдан қайта кўриб чиқиши зарурати юзага келди.

Натижада, Европа Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўрнини 1960 йилда Парижда имзоланган ва 1961 йил 30 сентябрда кучга кирган конвенция асосида тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти эгаллайди.

Мазкур халқаро ташкилот ҳомийлигига умумий суғурта бозорини яратиш ва тўловга қодирлик талабларини уйғунлаштириш бўйича ишчи гурухлари ҳам ташкил этилди ва молиявий барқарорликнинг қўшимча кафолатларига (the de Floriner group) ва техник заҳираларни уйғунлаштиришга (the Homewood group and the Angerer group) эътибор қаратилди.

Суғурта комиссияси томонидан талабларни уйғунлаштиришга қаратилган кейинги ҳаракатлар натижасида тўлов қобилиятини таъминлаш учун зарур бўлган ҳаётни суғурталаш (73/239/EEC) [13] ва ҳаётни суғурталаш (79/267/EEC) [14] дан ташқари бошқа суғурта бўйича Европа директиваларининг биринчи авлоди учун асос бўлиб хизмат қилган асосий қўрсаткичлар бўйича келишувга эришилди.

1973 йилдаги Директиванинг мақсадлари сифатида қонунчиликни уйғунлаштириш зарурлиги, шунингдек, суғурта қилдирувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш зарурлиги кўрсатилган.

Директива қоидаларига кўра, суғурта компанияси барқарорликни таъминлаш учун етарли заҳиррага, ўзининг бевосита андеррайтинг мажбуриятларини бажариш учун эса қўшимча заҳиррага эга бўлиши ва "тўлов қобилияти маржаси"ни сақлаши

керак бўлган. Кафолат фондини шакллантириш, унинг ҳажми эса компания томонидан қабул қилинган хавф даражасига қараб белгиланиши керак бўлган.

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи Европа тартибга солиш талаблари Базел талабларига қараганда қадимги тарихга эга. Ғарбий Европа суғурта компаниялари учун биринчи талаблар 1973-йилдаги 73/239/EEC-сонли тўлов қобилияти “Solvency I” директивасида белгиланган эди.

Европа Иттифоқининг мавжуд тўлов қобилиятини бошқариш қоидаларини такомиллаштириш ва янги йўналишни таъминлашга қаратилган ишлар Европа даражасида 1990 йилларда бошланган. Европанинг тўлов қобилияти қоидалари Федерал суғурта назорати идорасининг (Bundesaufsichtsamt für das Versicherungswesen – BAV) собиқ президенти доктор Ҳелмут Мюллер бошчилигидаги ишчи гурӯҳ томонидан қиёсий экспертизадан ўтказилди. Ишчи гурӯҳ ўзининг якуний ҳисботида (The Müller Report) Европанинг тўлов қобилияти қоидалари аслида вақт синовидан ўтганлигини таъкидлади. Аммо экспертиза натижалари шуни кўрсатдик, ўз маблағлари тўғрисидаги мавжуд қоидалар суғурталовчи дуч келадиган барча хавфларни етарли даражада қамраб олмаган. Шунинг учун ўз маблағларини таъминлаш бўйича комплекс ислоҳотлар тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кейинги 30 йил давомида молиявий бозорлар иштирокчилари учун рискларни бошқариш соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз берди ва кўплаб Европа мамлакатлари ўзларининг суғурта компаниялари учун “Solvency II” директивасини қабул қилиб, ўзларининг шахсий мамлакат норматив талабларини ишлаб чиқдилар. Хусусан, Дания, Франция, Нидерландия, Германия, Австрия, Швеция, Финляндия каби мамлакатлар квази-Базел (тижорат банкларига қўйиладиган талабларга ўхшаш) усулини танладилар ҳамда суғурта ва пенсия соҳаларида молиявий иштирокчилар устидан назоратни янада кучайтириш учун ўзларининг янада такомиллаштирилган моделларини ишлаб чиқдилар [15].

Бир томондан, Solvency I директивасининг дастлабки версиясига қўшимчалар киритилди, бошқа томондан, ғарбий Европанинг айrim давлатлари рискларни тўлиқ баҳолаш бўйича меъёрларни ҳисобга олди.

2000-йилларнинг бошига келиб кўплаб Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўша вақтда амалда бўлган тўлов қобилиятини ҳисоблашнинг Solvency I стандарти етарли даражада самарали эмаслиги ҳақида хулоса чиқарди. Мазкур важ сабаб, айrim Европа давлатлари суғурта сегментида ўзларининг назорат ва тартибга солиш ислоҳотларини амалга ошира бошлади ва бу Европа Иттифоқи давлатларининг суғурта компаниялари учун тартибга солувчи талаблар доирасида Европа қонунчилигининг бир хиллигини бузди.

Solvency II халқаро стандартлари Европа суғурта ва меҳнат пенсиялари идораси (European Insurance and Occupational Pensions Authority, EIOPA) томонидан ишлаб чиқилган.

Тегишли ишни унинг аввалги ташкилоти - сугурта ва меҳнат пенсиялари бўйича Европа назорат қўмитаси (Committee of European Insurance and Occupational Pensions Supervisors, CEIOPS) бошлаган.

Solvency II стандарти 2007-2009-йиллардаги глобал моливий инқироз даврида ўзининг самарадорлигини қўрсатган молия тизимининг энг муҳим ислоҳотларидан бири сифатида эътироф этилади.

2008 йилдаги глобал молиявий инқироз сугурта компанияларининг таваккалчиликларини батафсил баҳолашни ўз ичига олган янги меъёрий ҳужжатларни жорий этишга, назоратни кучайтиришга ва ахборотни ошкор қилиш учун кенг талабларни белгилашга туртки бўлди.

Бошқарувдаги заиф назорат ва ички хавф-хатарларни мониторинг қилиш жараёнларининг йўқлиги банк ва сугурта соҳаларида инқирознинг ривожланишига олиб келди.

Натижада 2009-2011 йилларда банк ва сугурта компанияларидаги рискларни бошқариш жараёнларини тартибга солиш ва шу орқали тегишли бозор сегментларининг барқарорлигини ошириш мақсадида Базел III ва Solvency II концепциялари қабул қилинди.

Европа Комиссиянинг 2009 йил 25 ноябрдаги меморандумида Solvency II ни қабул қилиш зарурлиги белгиланди ва Европа Иттифоқи учун сугурта компанияларининг тўлов қобилиятига нисбатан илгари таклиф қилинган ягона талаблари эскирганлиги таъкидланди.

Худди шу меморандумда Solvency I талаблари хавф-хатарларни баҳолашда етарли даражада сезгир эмаслиги, жуда кўп тартибга солиш миллий даражада қолаётганлиги, шу жумладан бозор, кредит ва операцион хатарлар капитал талабларида умуман ушланмаган ёки бир моделга мос ёндашувда тўғри ҳисобга олинмаганлиги асослаб берилди.

Solvency I талабларининг бир қанча камчиликларини қайд этиш лозим:

- компанияларнинг шахсий таваккалчиликларини ҳисобга олинмаслиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинмаслиги;
- хатарларни бошқаришни қўллаб-қувватлашда мотивация этишмаслиги;
- хатарларни бошқариш бўйича ички коорпоратив ёндашувлар билан тартибга солиш талаблари мувофиқлаштирилмаганлиги каби; (Гап якунланмаган)

Solvency I ўзининг соддалаштирилган модели туфайли ҳар бир сугурталовчининг хатарларини аниқ баҳолашга имкон бермайди. Мазкур стандарт назоратчилар томонидан аниқ ва ўз вақтида аралашувни таъминламайди ва акциядорлар учун риск ва рентабелликни ҳисобга олган ҳолда капитални оптимал таҳсимлаш имкони йўқ.

1-жадвал

Solvency I ва Solvency II тўлов қобилиятини баҳолаш услубиятларидағи асосий фарқлар[16].

Solvency I	Solvency II
<ul style="list-style-type: none">– ҳисоблаш методологияси қоидаларга асосланган;– рискларни бошқариш сифатини баҳолаш шартли;– тўлов қобилиятини баҳолаш миқдорий кўрсаткичларга асосланади;– ўз капиталининг етарлилигини баҳолаш мукофотлар ёки тўловлар миқдори асосида амалга оширилади.	<ul style="list-style-type: none">– ҳисоблаш методологияси тамойилларга асосланган;– хатарларни бошқариш сифатини баҳолаш мажбурийдир;– тўлов қобилиятини баҳолаш ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларига асосланади;– ўз капиталининг етарлилигини баҳолаш эҳтимоллик моделини тузишга асосланган

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, Solvency II қоидаларга эмас, балки тамойилларга асосланади.

Шу билан бирга, Solvency II доирасида компаниянинг тўлов қобилияти маржаси даражаси қатъий коефициентлар асосида эмас, балки ички моделлаштиришни қўллаш асосида аниқланади.

Solvency II талаблари Solvency I билан қандай таққосланиши, компаниянинг ўзига хос омиллари боғлиқ. Бу омилларга:


- Таъминот маржасининг амалдаги даражалари;
- Solvency I да рухсат этилган капитал даромадларининг амалдаги даражалари;
- Ҳақиқий хавф даражаси ва диверсификация.

Solvency II тизимидан кўзланган асосий мақсадлар:

- Истеъмолчилярнинг хуқуқларини ҳимоя қилишни яхшилаш;
- Замонавий бошқарув тизими: бунда сұғурталовчининг рискларини бошқариш (risk-менежмент) сифатини баҳолашга эътибор қаратилади;
- Сұғурталовчиларнинг халқаро рақобатбардошлигини ошириш.

Сұғурта компаниялари ўзларининг хавф-хатарларини мустақил равишда (ташқи актуарлар, аудиторлар ёрдамида) баҳолашлари, сўнгра юқори стандартларни белгилашлари лозим. Яъни тўловга лаёқатлилик сұғурталовчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган методология асосида назорат қилинади. Назорат органи ушбу методологиянинг етарлилигини баҳолайди. Шундай қилиб, ушбу дастур сұғурталовчиларга кўпроқ эркинликни таъминлашга қаратилган бўлиб, пировардида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига олиб келиши керак.

Solvency II Директивасида суфурталовчиларга қўйиладиган учта талаб даражалари мавжуд. Биринчи даражада капиталга нисбатан қўйилган талаб: тўлов қобилиятига бўлган талаб (SCR) ва минимал капитал талаблари (MCR)



1-расм. Solvency I ва Solvency II директиваларининг фарқли томонлари [17].

1: Суфурталовчининг мажбуриятларини қоплаш учун техник заҳиралар;

1a: Мажбуриятларни яхшироқ баҳолаш;

1b: Техник заҳираларнинг чегаравий даражаси;

2: Норматив капиталга қўйилган талаб;

3: Норматив капитал талабидан ошадиган капитал;

Хатарларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинадиган капитал даражаси;

MGF-minimal Guarantee Found - Минимал кафолат фонди;

RMM- Required Minimum Margin - Минимал талаб қилинадиган маржа (чегара);

MCR – Minimum Capital Required - минимал капиталга талаблар;

SCR – Solvency Capital Required- тўлов қобилиятига бўлган талаб;

Adjusted SCR - 2-даражадаги регулятор томонидан аниқланган ҳар қандай қўшимча талабларни ўз ичига олган қайта қўриб чиқилган SCR.

SCR - бу компанияга катта кутилмаган заарларни қоплашга имкон берадиган капитал даражаси. Айнан шу кўрсаткич стандарт ёндашув ёрдамида ёки регулятор томонидан тасдиқланиши керак бўлган ички моделлар ёрдамида ҳисобланади. SCR MCR дан паст бўлиши мумкин емас, акс ҳолда регулятор ёқилган бўлиши керак. MCR ни бажармаган ва унинг даражасини талаб даражасида тиклай олмайдиган суфурталовчи янги операцияларни тўхтатишга мажбур бўлади.

1-даражада техник заҳираларнинг ҳисоб-китобларини ҳам мувофиқлаштиради. Техник заҳиралар суфурталовчилар томонидан харажатларни ҳисобга олган ҳолда

сугурта қилдирувчилар ва наф олувчилар олдидағи ўз мажбуриятларини бажариш учун ҳисобланиши лозим.

2-даражада сугурталовчилардан шу рискларни қоплаш учун улар дуч келадиган рискларни баҳолаш ва ушбу хатарларни қоплаш учун капитални баҳолаш бўйича оқилона ва самарали стратегияларга эга бўлишни талаб қиласи. Сугурталовчилар ҳар йили ўзларининг хатарларни бошқариш тизимларини мустақил равишда баҳолайдилар. Бу ўз-ўзини баҳолаш регулятори томонидан текширилади.

Агар ушбу ваколатли органларнинг фикрига кўра, компания кўпроқ капиталга ёки юқори сифатли капиталга ега бўлиши керак бўлса, тўловга қодирлик талаби белгиланган SCRни олиш учун оширилади (юқоридаги 1-расмга қаранг).

Агар муаммо тегишли бўлмаган хатарларни бошқариш билан боғлиқ деб топилса, компаниядан капитални оширишни эмас, балки бундай бошқарувни такомиллаштиришни сўраши мумкин.

3-даражада сугурта компаниялари капиталининг бозор иштирокчиларига, масалан, қимматли қоғозлар егалари, қарздорлар, қайта сугурталовчилар ва сугурта полиси егаларига етарлилигини ошкор қилишни талаб қиласи. Ошкор қилинадиган маълумотларни уч тоифага бўлиш мумкин:

1-тоифа: молиявий ҳолат ва фаолият қўрсаткичлари, шу жумладан компаниянинг даромадлари, баланси ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботлари.

2-тоифа: риск даражаси, портфел диверсификацияси ва таваккалчилик тўғрисидаги маълумотлар.

3-тоифа: 1 ва 2 тоифаларга оид маълумотларнинг ноаниклиги, шу жумладан қўрсаткичларнинг фойдалилиги бўйича маълуутларни таққослаш каби маълуутлар.

Solvency II сугурта компанияларини капиталнинг минимал миқдорини доимий равишида сақлаб туришга мажбур қиласи, бу эса компаниянинг тўлов қобилияти бир йил давомида 85 фоиз даражасида қолади. Ўз навбатида, SCR маблағларнинг миқдорини ифодалайди ва ушбу капитални шакллантириш орқали сугурта компанияси 99,5% еҳтимоллик билан сугурталовчиларнинг талабларини қондириш имконини беради [18].

Solvency IIни ўз ҳудудида амалга оширишни режалаштирган мамлакатлар бир қатор ислоҳатларни амалга оширишни талаб этади. Хусусан, сугурта ташкилотлари, шу жумладан актуар, рискларни бошқариш, ички аудит ва ички назоратнинг асосий функцияларини қонунчиликка мувофиқлигини ўрнатиш ва кучайтиришни талаб қиласи. Solvency IIнинг асосий талаб даражаларини ўзида акс эттирган янги тартиблар жорий этиши мавжуд қонунчиликларига тегишли ўзгартиришлар киритиши лозим бўлади

Хуносаси.

Европа Иттифоқи томонидан Solvency II амалга ошириш тажрибаси шуни кўрсатдико, Solvency II сугурта бозори иштирокчиларининг назорат талабларига

риоя қилиш орқали оқилюна рискларни бошқариш ва ишончли ички назорат тизимини яратишга йўналтирилган тизим.

Европа Иттифоқи мамлакатларининг бой тажрибасидан фойдаланиш, суғурта ташкилотларининг нафақат тўлов қобилиятини, балки рақобатбардошлигини ошириш халқаро стандартларга мос суғурта хизматлари қўрсатишини таъминлайди.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари тўлов қобилиятини баҳолаш ҳозиргача Solvency I стандартлари асосида амалга оширилиб келинмоқда. Бунда баҳолаш суғурта ташкилотларининг хос капиталига (ўз маблағлари капитали) қаратилган. Ташкилотнинг тўлов қобилиятини баҳолашда бизнес-жараёнларни ташкил этилиши билан боғлиқ операцион хатарлар эса эътиборга олинмайди.

Ўзбекистонда Solvency IIни жорий қилишда ҳозирги вақтда кўплаб муаммоларни ҳал қилиш лозим. Мазкур муаммоларга:

- Кадр билан боғлиқ муаммолар (мадакади андеррайтерлар, актуарилар етарли эмас);
- Рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича муаммолар;
- Суғурталовчининг ликвидлиги муаммолари;
- Фаолиятга оид ахборотларни ошкор қилиш ва назорат органига маълумот бериш тизимининг узлуксизлиги етарли эмас;
- Шакллантирилган суғурта заҳираларини тўғри шакллантириш бўйича муаммоларни келтиришимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1806, 2008 йил 12 май) билан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида”ги низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 178-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суғурта боорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, 2019 йил 02 август. Миллий қонунчилик базаси: <https://www.lex.uz/docs/4459802>

3. Carmichael J., Pomerleano M., (2002) “The Development and Regulation of Non-Bank Financial Institutions”. World Bank, Washington.

4. Das U.S., Davies N., Podpiera R., (2003) “Insurance and Issues in Financial Soundness”, IMF Working Paper WP/03/138.

5. Arne Sandstrom (2005), “Solvency: Models, Assessment and Regulation”, CRC Press, 2005 M09 19 - 448 pages.

6. Улыбина Л.К., Окорокова О.А. (2013), "Эволюционирование Системы Оценки Платежеспособности Страховой Организации," УДК 658:368, Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика,
7. Барабанова В.В., (2019) “Международный опыт оценки платежеспособности страховых компаний”, дис. канд. экон. наук: 08.00.14, Москва, 196 с.
8. Антюшина В.В., (2019), “Европейские стандарты платежеспособности для страховых компаний Solvency II и их влияние на финансовый сектор”, “Иновации и инвестиции”. №10, 159 ст.
9. Яранцева Е.А., (2013), Модель принятия стратегических решений в рамках Solvency II (use test) [Электронный манба] / Е.А. Яранцева // Страховое дело .— 2013 .— №2 .— С. 11-24 .— Режим доступа: <https://rucont.ru/efd/609645>
10. Campagne Buol and De Mori, Report on Solvency Assessment for non-life insurers. – 1948.
11. Jukka Rantala «The pioneering work of Teivo Pentikäinen on internal models» Astin Colloquium 2009.
12. De Mori, Bruno, 1965 Possibilité d'établir des bases techniques acceptables pour le calcul d'une marge minimum de solvabilité des entreprises d'assurances contre les dommages, ASTIN Bulletin, Vol.III, pp 286-313
13. First Council Directive 73/239/EEC of 24 July 1973 on the coordination of laws, regulations and administrative provisions relating to the taking-up and pursuit of the business of direct insurance other than life assurance // Official Journal of the European Union. L 228. 16.08.1973. P. 0003–0019.
14. First Council Directive 79/267/EEC of 5 March 1979 on the coordination of laws, regulations and administrative provisions relating to the taking up and pursuit of the business of direct life assurance // Official Journal of the European Union. L 63. 13.03.1979. P. 1–18.
15. Александр Баранов (2017), Solvency II для НПФА, Журнал "Рынок ценных бумаг" № 7, 2017, 25 стр.
16. Кузнецова Е., Ашихмина С., (2018), Управление платежеспособностью страховщика. Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования, №7 (33), том 1. стр. 238,
17. Юхименко В.Н. (2016), перспективы внедрения Solvency II в Украине Актуальные проблемы современной науки: сборник тезисов научных работ XIII Международной научно-практической конференции (Москва–Астана–Харьков–Вена, 28 октября 2016 года) / Международный научный центр, стр. 37.
18. Стежкин Александр (2019), Внедрение Solvency II: перемены в регуляции и последствия для рынка, Электрон манба: https://gaap.ru/articles/Vnedrenie_Solvency_II_peremeny_v_regulyatsii_i_posledstviya_dlya_rynska/